



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 34 (809)  
2022 йил  
8 сентябрь,  
Пайшанба



[www.bong.uz](http://www.bong.uz)

@ jamiyatgzt@mail.ru

[t.me/bonguz1](https://t.me/bonguz1)

# МУДРОК ҚҰЗЛАР



Айни таълим  
оладиган, илм  
йўлида изланиш  
олиб борадиган даврини қандайдир  
интернет клубларда **кераксиз**  
билин ўтказаётган  
ёшлар үз йўлини  
топа олармикин?

ШУЗАТИБ  
ТУРМАСАК,  
ИШЛАНША  
**КҮЙИШМАЙДИ**



ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ  
УЧУН  
**ҚАНДАЙ**  
**ХИССА ҚЎШДИМ?**

**ТУРНАЛАР  
УЧСА  
ҚАРАЙЛИК...**



**САХОВАТ ВА  
КЎМАК –  
ЭЗГУЛИКЛАР  
ДЕБОЧАСИ**

Байрам яқинлашгани сайн бир ички тайёргарлик ҳам бошланади. Рухингда, қалбингда кўтарики бир хис пайдо бўлиш билан бирга унга қанчалар дахлдорлигинг ўйи ҳам ҳукм суради. Айниқса, мустақиллик, яъниким, Ватан озодлиги, миллат эрки, эл ҳурилигига олиб келган байрам – байрамларнинг байрами эканлигидан қувонасан!



Хурлик учун курашиб, жон берган боболаримиз руҳи олдида бош эгар эканмиз, менинг ҳам бирор бир ҳиссам бормикан, фикримда, тутимлариму айтимларимда, деб ўйлайсан киши. Ахир шу кунларнинг қадрини билиш, шукроналик ва ҳалоллик билан яшашининг ўзи ҳам ўзига яраша инқиlob эмасми?! Ўзи билан кураша олган, ўзини таниган, ўзлигини топган ҳар бир инсон – Ватаннинг бир бўлагидир!

Тўғри, ҳали қиласидан ишларимиз жуда кўп. Аммо улар байрамда айтиладиган масалалар эмас. Чунки булар 31 йилда, айниқса, 5 йил ичидаги эришилган ютуқлар олдида ечими аниқ юмушлардир.

Ҳассос шоир Шавкат Раҳмоннинг "Фам сўзин элимдан олдин айтаман, Бахт сўзин элимдан кейинрок", деган дардчил сатрлари бор. Дилгир шоиримизнинг беназир сатрлари ҳак!

Юртнинг тинчлигидан, тўкин-сочинликдан, шароитлар, эътибор ва эътирофлардан кўнглиминг тўляпти. Ҳеч бир соҳа назоратдан четда қолаётгани ўй.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тинимиз мөхнат ва шижаотла-

ри туфайли юртимиз яшнамоқда. Назаримда, одамларимиз анчагина янгича фикрлайдиган, келажакка ишонч билан интиладиган бўлди. Бугун одамлар бой бўлиш йўлини билди, дунёни лол қолдириши машқини эгаллади ва ға-

лаба нашидасини сурмоқликни ўрганди. Демак, биз тўғри йўлдамиз!

Юртимизда кечаётган бугунги шиддатли ислоҳотлар натижасини тан олмаслиқ, кўриб кўрмасликка олишга ҳеч биримизнинг маънавий, на ҳуқуқий жиҳатдан ҳақимиз йўқ. Айниқса, кейнинг 5 йилда орзу қилган, қўшни мамлакатлар ҳавас қилган жуда катта ўзгаришлар бўлди.

Келинг, эсимда борларини санаб ўттай: қўшни мамлакатлар билан муносабатларимиз тикланди, ички ва ташки чегараларимизда адолат ўрнатилди. Валюта айрибошлиш, паспорт ва визалар масаласи, бошқа миллатдан бўлган юртдошларимизга фуқаролик макоми берилиши, қадриятларимизнинг тикланиши, ижодкорларнинг эъзозланиши, устоз ва мураббийларнинг қадрини кўтариш каби ўнлаб муваффақият хақида гапирмай бўладими. Керак бўлса, мана шу ислоҳотларни шаҳар ва қишлоқлардаги йўлбўйи пешташталарга ёзib қўйиш керак.

Юртга бош бўлиш осон иш эмаслигини ҳамма билади. Замон юкини тортиш, даврон фамини чекиши элбшининг қисматида ёзилган. Аммо

елқадошлиқ, орқадошлиқ деган буюк туйгулар ҳам бор-ку!

Бугунги кунгача иқтисодий, ижтимоий масалаларда, давлатчилик, қонунчилик соҳаларида жуда кўп муваффақиятларга эришидик. Бозорларимиз, дўконларимиз тўлди. Қорнимиз, кўзимиз тўйди, Аллоҳга шукр! Энди бир муаммо борки, ундан кўз юмолмаймиз.

Миллат ғурури масаласи! Биз қачонки, болаларимиз қалбида миллий ғурурни уйғотолмас эканмиз, бу фахрни қон-қонига сингдирмас эканмиз, маънавий дунёмиз оқсоқланаверади! Шогирд устозини, ўғил отани, келин қайнонасини ураверади, хўрлайверади! Шундай болаларимиз атрофимизда бор экан, биз катталаар, зиёлилар, ижодкорлар ўзимизни ҳеч нарса билан оқлай олмаймиз.

Менинг назаримда мана шу бўшлиқни тўлдиришнинг ягона йўли бор. Бу ҳам бўлса кино санъатини кучайтириш керак. Аждодларимиз ҳакида 500, 300, 100, 70, 40 сериялик фильмлар ишлаб чиқариб, уларнинг ўрнак бўладиган хаёти ва фидойилкларини номоён этмасак бўлмайди! Илло, шукрлар бўлсинки, бизда дунё одамларига андоза бўладиган буюкларимиз беҳисоб!..

Президентимиз “Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, яқдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсан, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан мөхнат қилсан, ҳар қандай мэрраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир ҳақимиз!” деган эдилар.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги нутқида бутун ҳалқимизни улуг айём – мустақиллик куни билан самимий табриклаб, шундай деди: “Орадан йиллар, асрлар ўтади. Лекин миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва мэрраларимизнинг замини бўлган Мустақиллик куни биз учун, келгуси авлодларимиз учун доимо энг улуг, энг азиз байрам бўлиб қолади”.

Бу сўзлар замирида катта маъно бор. Зоро, мустақиллик – энг улуг ва энг азиз неъмат бўлиб, мамлакатдаги бунёдкорлик, жўшқинликнинг асосий сабаби, энгаввало, истиқол берган ҳуқуқ ва эркинлик, барча соҳаларда амалга оширилаётган оқилона ислоҳотлар самарасидир.

Бизнинг ҳалқимиз содда, оққўнгил. Бир тану бир жон бўлишга ҳам, яқдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилишга ҳам, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан кечаюн кундуз мөхнат қилишга ҳам тайёр ҳалк.

Бугун дунё тамаддумида ўзбеклар тарихининг янги саҳифасини яратиш даври келди. Янги Ўзбекистонда янги қарашлар, янги фикрлар, ҳалоллик ва поклик билан янги ҳаёт курайлик! Зоро, Ватан деган жонфидо, ўзи ҳам ватаннинг бир бўлагига айланажак!

**Фарида БЎТАЕВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

## ШУНДАЙ ЮРТНИ СЕВМАЙ БЎЛАДИМИ?!

Мустақиллик – янги тарихимиздаги энг улуг сана, ҳалқимизнинг тарихий ютуғидир. Бу байрамни бутун ҳалқимиз ўзгача шукух ва кўтарики кайфиятда кутиб олиши бежиз эмас. Зоро, истиқол эзгу анъаналаримиз, туйгуларимизга жўшқинлик бағишилади. Ватаннинг қадр-қимматини янада теранроқ англаб этишга унади. Мустақиллик туфайли одамлар барча соҳаларда эмин-эркин мөхнат қилиш имкониятига эга бўлди.



Ўттиз бир йил айниқса, сўнгги олти йилда юртимизда амалга оширилаётган мислсиз бунёдкорлик ишлари ақлни шоширади. Янгидан қад ростлаётган осмонўпар бинолар Янги Ўзбекистоннинг кўркига кўрк, файзига янада файз қўшмоқда.

Ҳозир Ватанимизнинг қайси худудида бўлманг, у ерларда янги-янги корхоналар, замонавий уй-жойлар, илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, равон йўл ва кўприклар, боф ва хиёбонлар барпо этилаётганинг гувоҳи бўласиз.

Мустақиллик ҳақиқатдан ҳам буюк воқеа бўлиб ҳаётимизга кириб келди. Бу сананинг буюклиги шундаки, мустақиллик Ватанимиз тарихида янги давлат, янги жамият барпо этиш йўлини очиб берди. Ўтган қисқа вақт ичидаги жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси янгиланди.

Биз бугун мустақил давлат ва жамият куриш, ҳалқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида тарихан қисқа даврни, бир неча ўн йиллар, балки асрларга тенг келадиган йўлни босиб ўтдик. Ҳар бир муваффақият, ҳар бир марра замирида эса давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб олиб бораётган одилона сиёсати муҗассам.

Бу йил Ватанимиз мустақиллигига 31 йил тўлди. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигини муносиб кутиб олдик ва тантанали равишда нишонладик.

Бугун кўп миллатли ҳалқимиз жонажон Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллик кутлуг байрамининг қувончи ва шукухи, хотиралари билан яшамоқда.

Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг энг улуг, энг азиз байрам – мустақиллигининг 31 йиллигига бағишиланган тантанали

маросимдаги нутқи мен қатори минг-минглаб юртдошларимиз кўнглини тоғдек кўтарди.

Хозирги кунга қадар давлатимиз раҳбари кўплаб маърузалар қилди. Аммо бу галги нутқи моҳият-эътибори билан илгаригиларидан кескин фарқ қилади. Айниқса, “Орадан йиллар, асрлар ўтади. Лекин миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва мэрраларимизнинг замини бўлган Мустақиллик куни биз учун, келгуси авлодларимиз учун доимо энг улуг, энг азиз байрам бўлиб қолади”, деган сўзлари юрагимга муҳрланди.

Байрам тантаналарининг қамрови, маҳобати таъсирида “буюк ҳалққа шундай буюк байрамлар яратади”, дейман тақрор ва тақрор. Мустақиллигининг 31 йиллик байрамини улкан ютуқ ва галабалар билан кутиб олганимиздан шу макон фарзанди сифатидан фарҳ-ифтихор туйгуларини тутаман.

Бугун эгаллаган барча мэрраларимиз энг улуг қадриятимиз истиқол шарофатидир. У бизга тарихий ҳақиқатни, маънавий ва миллий ўзлигимизни англашдек буюк неъматларни берди.

Умуман олганда, эришилган юксак натижалар ҳар биримизни ғурур ва ифтихорга тўлдиради. Айтинг, инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, қадр-қиммати ҳар нарсадан устун, кекса-ю ёши, аёлларини эъзозлайдиган шундай юртни севмай бўладими?!

**Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

Эрта тонг. Уфқдан бош кўтараётган қуёш заррин нурларини барчага бирдек улашмоқда. Менга қулиб боққан қуёшга мен ҳам қулиб қарайман. Ўзгача шукуҳ ва аъло кайфиятда янги тонгни янги мақсадлар билан қарши оламан. Деразамдан атрофга боқаман. Кимdir ишга, кимdir ўқишига шошилмоқда. Кимdir эса жажжи болажонининг қўлидан тутиб, боғча томон йўл олмоқда. Гўёки уларнинг ҳар бири эзгу мақсадлар билан йўлга чиқсан йўловчилик кабидир.

# ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ҚАНДАЙ ХИССА ҚЎШДИМ?

Ха, ҳар ким ўз кунини турлича бошлайди. Кимdir пухта йўланган режа асосида, аввало, бошланиши керак бўлган иш, кўриладиган чораларни йўлаб қадам ташласа, баъзи бир одамлар эса таваккалига яшайверсак кўрамиз қабилида. Хўш, олдиндан чиқанига рози бўлиб, келажак учун ҳатто бир уй қурмай жамиятнинг қанча аъзоси яшайди? Юзлаб, балки минглабдир?! Бир йўлаб кўринг-а, замон шиддат билан одимлаб бораётган бир пайтда лоқайд бўлиб, “ухлаб ётиш”га ҳаққимиз борми? Йўқ, асло! Янги Ўзбекистонимиз кундан кун тараққиётга юз тутаётган бир даврда “Мен юртимизнинг тараққиёти учун қандай хисса қўшдим?”, “Мен нима қилсан, оз бўлса ҳамки, ҳалқим учун фойдам тегади?” деган саволлар бизни қийнаши керак деб биламан.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганларидек, “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”. Шунинг учун илм-фанга янада кўпроқ эътибор қаратилиши лозим. Улуғларимиз бежиз “Илм қайда бўлса, буюклик бўлур”, – дея таъкидламаган.

Иккинчидан, буюк аждодларимизнинг тарих илдизидан сув ичган меросини, давлатни бошқаришдаги усулларини ўргансак, бу амаллар ёруғликка элтувчи шамчироқ вазифасини ўтайди. Зоро, қайси ишда бўлса ҳам, “Мозийга қараб иш кўрмоқ ҳайрлидир”.

Учинчидан, файласуфлар битганидек, “Ҳаётни севсанг, вақтингни бекорга ўтказма”. Ҳа, вақт – олий неъмат. Ўтаётган ҳар лаҳзамиз тарих зарваракларига муҳрланиб бораверди. Вақтдан унумли фойдаланиб, чет тилини ўргансак ёки спорт билан шуғулланиб, Ватанимиз байроғини кўкка кўтarsак, шу юрт учун фойдамиз теккан бўлади.

Таъкидлаш жоизки, янги режа-



лар, янги мақсадлар ҳалқни нурли манзилга чорлайди. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан илгари сурилган Ҳаракатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси юртимиз ривожига улкан хисса қўшмоқда. Ал-

ларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси” ҳам, унинг узвий давоми бўлган 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Тараққиёт стратегияси” ҳам эртанги кун учун пойдевор вазифасини ўтайди. Мухтарам Юртбошимиз Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг 7 та устувор йўна-



лишларини белгилаб бердилар ва “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон қилиб олинди. Хусусан, стратегида юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқук ва эркинликлари, қонуний манфаатлари энг олий қадрият эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ушбу

**Бизнинг она тилимиз дунё минбарларида янграшини бир тасаввур қилинг-а! Шу билан бирга, ўз бизнес лойиҳаларимни ишлаб чиқиш ва уни татбиқ этишдан иборат. Юртимизнинг иқтисодиёти учун оз бўлса-да, қўмаклашсам мендан баҳтли инсон йўқ. Ушбу истиқболли мақсадлар йўлида барча ёшлар, яъни Учинчи Ренессанс бунёдкорлари бирлашсак, келгуси авлодлар ҳам биздек фахр туйғусини туйишиади.**

батта, мақсад пиллапоясига бирма-бир чиқилганидек, олдимизга кўйган ниятларимизга ҳам аста-секин эришамиз. Бу йўлда келажак бунёдкорлари бўлган биз ёшлар шиҷоат билан, жон-жаҳдимиз ила ҳаракат қилсан, эзгу ниятларимизга етамиз. Чунки Янги Ўзбекистон оппок орзулар ушалгувчи диёр.

Биламизки, ҳар бир қонун, фармойиш ва стратегия узоқ мақсадни кўзлаб, мамлакат фарновонлиги йўлида қабул қилинади. 2017-2021 йил-

тамойил ҳақида сўз юритадиган бўлсам, ҳалқимизда инсон деган сўзниң ўзи қадрли, унинг ҳуқук ва еркинликлари еса тогнинг чўккиси каби юксакдир. Ўзбекистон Республикасининг Тараққиёт стратегиясида ҳам биринчи ўринга шахс, инсон қадри кўйилиб, “инсон – жамият – давлат” деган тамойил асосида давлат ва жамият бошқарувини ташкил этиш белгиланган. Бир сўз билан айтганда, амалий натижা, инсон манфаати, унинг қадр-қим-

мати бош мақсадга айланган.

Тан олиб айтишимиз жоизки, ўтган беш йил мобайнида ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида катор тизимли ислоҳотлар амалга оширилди ва ижобий натижаларга эришилди, десак муболаға бўлмайди. Келгуси беш йилда бу борада янада улкан натижаларга эришамиз, албатта. Таъкидлаш керакки, кенг кўламли ислоҳотлар жараёни изчил давом этиб, улар истиқболли бўлишидан бутун ҳалқимиз манфаатдор. Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини амалга оширишда барча давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳам камарбаста бўлишига ишонамиз. Шу билан бир қаторда, бу ислоҳотларни татбиқ этишда фақат гина давлат ташкилотларигина эмас, балки биз ёшлар ҳам Юртбошимизга қўлқанот бўлишимиз лозим деб биламан. Бунинг учун биз ўтмиш ва аждодларимиз билан фахрланибгина қолмай, улардан-да юксак марраларни забт этишимиз керак. Менинг ўз олдимга кўйган улкан мақсадларимдан бири ўзбек тилининг жаҳон тиллари сафида бўлишига хисса қўшишдан иборат.

Бизнинг она тилимиз дунё минбарларида янграшини бир тасаввур қилинг-а! Шу билан бирга, ўз бизнес лойиҳаларимни ишлаб чиқиш ва уни татбиқ этишдан иборат. Юртимизнинг иқтисодиёти учун оз бўлса-да, қўмаклашсам мендан баҳтли инсон йўқ. Ушбу истиқболли мақсадлар йўлида барча ёшлар, яъни Учинчи Ренессанс бунёдкорлари бирлашсак, келгуси авлодлар ҳам биздек фахр туйғусини туйишиади. Ўз мақсадларимизни амалга оширишда Юртбошимизнинг айтган куйидаги жумлалари бизни ёрқин келажак томон дадил қадам ташлашга ундаиди. “Сайёрамизнинг эртанги куни, фарновонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳияти намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат”. Ҳа, шундай юксак чўккиларга чиқишга чорлайдиган жумлаларни йўлаб, шиҷоатим янада жўш уради, мақсадларим сари олға боришига интиlamан.

Янги Ўзбекистон шундай ўлқаки, тупроғига тушган тикан кун ўтиб, гулга айланади, унинг бағрида туғилган гўдак кун келиб, буюк олим бўлади. Янги Ўзбекистон диёри ана шундай буюкларга бешик бўлган мамлакат. Биз ёшлар ҳам улугларга ҳавас қилиб улардек бўлишига интилишимиз даркор. Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Янги Ўзбекистон ёшлари – келажагимиз ва истиқболимиз пойдеворидир”. Бу ишончдан руҳланиб, юртимизга муносиб фарзанд бўлишимиз лозим.

Иродда БАҲРОНОВА

**Таълим тизимининг ривожланиши мамлакат тараққиётини, давлатнинг келажагини, жамиятнинг истиқболини белгилайди. Бугунги кунда соҳада олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг мақтаса арзигулик жиҳатлари кўп.**

**Биз янги қурилган мактаблар, замонавий технологиялар асосида моддий техник базанинг мустаҳкамлиги, ўқитувчи-педагогларга яратиб берилаётган имкониятлару рағбатлантиришлар ҳақида кўп гапиришимиз мумкин.**

Бироқ, таълим тизимида оғрикли жойларимиз, хато ва камчиликлар, заиф томонларимиз ҳам муваффақиятларимиздан кўп бўлса борки, кам эмас. Ижтимоий тармоқларда таълим тизими ҳақида, мактаб директоридан тортиб, муаллималар тўғрисида шов-шув бўлиб кетган хабарлардан тортиб, янги мактаб очилди, дейилган оддий информацияларгача кузатиб бориш имконимиз бор. Бирда шу юртда яшовчи оддий фуқаро сифатида, бошқа сафар ўқитувчилик нонини еган фахрий сифатида, баъзан она, баъзан буви, аксарият ҳолда журналист сифатида фикр билдираман.

Устоз отадек улуг. Касбини қадрлаб шогирди баҳту иқболи учун билимини аямаган, тоза виждонли, самимий ва камтарин ўқитувчиларимиз юзлаб топилади. Аммо минг афсуски, тизимда ўқитувчи номига дод тушириб фаолият олиб бораётганлар ҳам йўқ эмас. Ачинарлиси, айнан шундай ноқис маънавиятли киши жамоага раҳбар бўлса, қанчалик оғрикли...

Журналистик фаолиятим ҳуқук соҳаси билан чамбарчас боғликлиги боис мактабгача таълим, мактаб, олийгоҳ, қўйингки, ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида содир этилаётган ноқонуний хатти-харатклар акс этган жиноят тафсилотлари билан танишман. Ҳозир ҳам қайси даврага кирманг мактаб, боғча ёки директор ва мудидалар, боғча опалар ҳақидаги сұхбатларни эшиштамиш. Қайсиdir сиёсий партия вакиллари билан бир тадбирда бўлиб қолдим. Мавзу: “Коррупция – тараққиёт кушандаси” эди.. Чиройли маърузалар тингланди. Коррупция билан боғлиқ видеоролик намойиш этилди. Маърузачилардан бири шу партия альзоси Бухоро шаҳридаги таълим ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган мактаб директори эди. Опанинг нутки равон (рус тилида), олиб борилаётган ишлари ҳақида тўлиб тошиб, жўшиб гапиришига маҳв бўлиб кетдим.

– Қаранг-а, зўр директор экан... Раҳбар шундай бўлса, – дедим

– “Ўрис иши дуруст”, дердилар бувим, – сұхбатга қўшилди яна бир ўқитувчи.

– Ўтган йил орденми, медалмиям олдилар, бу киши, – даврамизга қўшилган муаллима илмоқли гап қўшиб қўйди.

– Опани яхши танийсиз шекил-

ли, – дедим қизиқсиниб...

– Ҳа..а, танийман. Курсдошим ўша мактабда ишлайди. Буниям (яъни опа рус миллатига мансуб. Бу ерда ҳеч қанақа миллатчилик ҳақида гап кетмаяпти) ўзимизнилар порага аллақачон ўргатишган. Ҳозир тўлиб-тошиб пораҳўрликка қар-

олиши учун 50 доллардан пора бераётган муаллимлар додини кимга айтсин?! Мана, Сизга томоша!

– Дарсга тўлиқ қатнашмай репититорга борадиган ўқувчиларнинг синф раҳбарлари орқали ҳар биридан, ҳар ой (!) 100 минг сўм-

“Оч қорним, тинч қулоғим”, “Оғримаган бошимга фавғо орттирайми, опа!”, “Узатиб турмасак, кейин ишлашга кўймайди. Турли йўллар билан йўқ қилади.”

Бу бизнинг оғрикли иллатимиз. Порахўрликка қарши биргалашиб курашмас эканмиз, у турли номлар

# “УЗАТИБ ТУРМАСАК, ИШЛАШГА КУИШШИМАЙДИ”

дан йигиб директорга берилади. Энди ўйлаб кўринг, дейлик 30 нафар ўқувчига дарс ўтадиган ўқитувчи 10-12 нафар ўқувчига дарс ўтиб, маошини тўлиқ олиб юраверади. (Давлат бюджети ҳисоб-китоблари бўйича зарар кўрмаяптими?) Ёки репититорга борган ўқувчи олимпиадада иштирок этиб юқори ўринларни эгалласа, фан ўқитувчи-си, синф раҳбари давлат томонидан рағбатлантирилади. Албатта, бюджет пулидан! Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир, деганлариdek.

Яна бир ўқитувчи сұхбатга қўшилади.

– Танловга бир ўқувчимни олиб борган эдим. Иқтидорли бола, яхши натижа кўрсатди. Унга берилган совгани қўйиб туринг, ҳатто ҳалқ таълимида гилар уялмай-нетмай ўқувчига берилган сертификат рамкаси учун 10 минг сўмдан, 1000 сўмдан сертификат қофози учун сўраб олиши, – дейди кулиб. Бу кулгу ортида ачиниш, афсус изохи учун сўзга ҳожат йўқ эди.

– Ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш тизимида ҳам коррупциявий ҳолатлар йўқ эмас.

Сұхбатдошларимга юзландим. Шунчак ноқонуний ҳолатларга гувоҳ бўлиб туриб, нега, олдини олишга ҳаракат қилмайсиз? Маънан уйғониши вақти келамдимикан?

билан илдиз отиб кетаверади. Томошабин бўлиб туриш ҳам шу жиноятга шерикликдан далолатdir.

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида ижтимоий тармоқда билим кўрсаткичи паст ўқувчилар, дарс машғулотларидағи камчиликлар, ўқитувчилар ҳақида салбий, баъзан ижобий изоҳларниям ўқидим. Йиллаб репититорга бориб ҳам етарли балл тўплай олмаётганлар ҳам йўқ эмаску, ахир! Албатта ёшлиаримиз ўқимишли, билимли, салоҳиятли бўлса, бу миллат эртасининг ишончли пойдевори ҳисобланади. Аммо, суперконтракт асосида пули бору, билими йўқлар келажакда қанақа мутахассис бўлади?! Буни ҳам ўйлаб кўриш керакдир..?! Чекка қишлоқлар, тоғ ҳудудлари, чўл зоналарида ишлаётган ўқитувчилар билан шаҳар жойларида ишлаётган ўқитувчилар фаолиятини таққослаб кўрдим. Таълим тизимида чукурлаштирилган ислоҳотлар олиб бораётган мутахассислар, соҳа раҳбарлари “таълимни тозалаб”, соғлом маънавий мухит барпо этилмас экан, “олғир директор”лар, нўнок ўқитувчилар, билимсиз ўқувчилар чирмовуқдек ўралиб кетаверади. Чирмовуқ экинни, хосилни барбод қилгани каби юқоридаги жараён жамиятини, давлатни зимдан емиради.

**Моҳира ШАКАРОВА,  
журналист**

Дунё бўйлаб ўзгариб бораётган геополитик жараёнлар, маданиятлараро тўқнашувлар албатта ҳар бир давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бу борада тан олиш керакки, миллий қонунчилик, унинг таянч манбаи Конституция шахс, жамият ва давлат манфаатларини мамлакат ичкариси ва ташқарисида муҳофаза қилишнинг муҳим воситаларидан биридир. Шубоис, ҳар бир қонунни шу жумладан, Конституцияни замон талабларига кўра мослаштириш ҳаётий заруратdir.

# ҚОМУСИМИЗДА ЭЪЗОЗЛАНАЁТГАН ҚАДРИЯТЛАР

Бугунги кунда юртимизда кеётган ислоҳотлар инсон қадри, унинг манфаати учун амалга оширилаётгани сир эмас, албатта. Айнан мана шулар қаторида Бош Қомусимизнинг бир қанча моддаларига ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилиши ўз ўрнида бир фуқаро ёки жамоанинг хоҳиши эмас, балки турли мағкуравий таҳдидлар ва сиёсий жараёнларнинг салбий оқибатларидан ҳимояланиш, давлатнинг суверенитетини мустаҳкамлаш, халқимиз ёрқин келажагини кафолатли таъминлаш учун амалга оширилаётган саъй-харакатлардир. 25 июнь куни Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни лойиҳаси эълон қилинди. Хўш, унда миллий қадриятларимизга қанчалар ўрин ажратилмоқда?

Маълумки, Бош Қомусимизнинг 61 моддаси бевосита диний ташкилотлар фаолиятига боғлиқ бўлиб, бугунги кунда ушбу моддани янада такомиллаштириш ва диний бағрикенгликтининг Конституциявий асосларини янада мустаҳкамлаш кутилмоқда. Ўтган давр мобайнида қабул қилинган “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририда келтирилган нормаларга ҳамоҳанг тарзда юртимизда виждан эркинлигини ва диний ташкилотлар фаолиятини ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга ошириш учун янада мукаммал, аниқ конституциявий норма тариқасида қўйидагилар Лойиҳага киритилди:

“Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда фаолият кўрсатаётган барча диний ташкилотлар фаолиятининг эркинлиги кафолатланади.

Давлат конфессияларнинг тинч тутув яшашига кафил бўлади.”

Ўз ўрнида ушбу кафиллик кела-жакда мазкур ташкилот ва конфесияларнинг фаолиятига учинчи томон аралашувининг олдини олади.

Шунингдек, бобо-бувилиримиз муқаддас деб билган оилани гарб маданияти таъсирида менсимаслик, ундаги вазифа ва мажбуриятларга енгил қарапаш ва арзимас сабаблар орқали ажрим ҳолатларининг келиб

чиқавериши, орада болаларнинг тирик етимга айланиши ҳамда жамиятда ҳимоясиз қатламнинг янада ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат ҳам оилани янада кафолатли ҳимоя қилиш заруратини келтириб чиқарди. Шу боис оилани муҳофаза қилиш ва кўп фарзандлиликни тарғиб қилиш мақсадида 63-моддага қўшимча тарзда қўйидагиларни киритиш лозим деб топилди:

“Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун зарур бўлган ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратади.

Лик киритишни тақазо этди. Унга кўра 63-моддада кўрсатилган “Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг хуқуқлилигига асосланishi” принципи янада очиқланди: “Никоҳ аёл ва эркакнинг ихтиёрий розилилигига ва тенг хуқуқлилигига асосланади”.

Юқорида келтирилган масалалар ота-боболаримизнинг оила хусусидаги кўп асрлик хоҳиши-истаклари,

**Қомусимизнинг бир қанча моддаларига ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилиши ўз ўрнида бир фуқаро ёки жамоанинг хоҳиши эмас, балки турли мағкуравий таҳдидлар ва сиёсий жараёнларнинг салбий оқибатларидан ҳимояланиш, давлатнинг суверенитетини мустаҳкамлаш, халқимиз ёрқин келажагини кафолатли таъминлаш учун амалга оширилаётган саъй-харакатлардир.**

Давлат кўп болали оилаларга қонунга мувофиқ имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар берилишини таъминлайди.”

Қолаверса, ўтган давр мобайнида юртимизга нисбатан турли мағкуравий таҳдидлар янада кучайди. Бир томондан диний экстремизм ва терроризм, яна бир томондан “оммавий маданият” ниқоби остида пайдо бўлган турли ташкилотлар, харакатлар, партиялар ва бошқалар ҳар томонлама ўз таъсирини ўтказиши, ўзларининг ғайриконуний фаолиятлари учун қонунчиликнинг “заиф” нукталарини излаб, ундан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдадар. Хусусан, март ойларида ЛГБТ ҳаракати томонидан катта намойиш ўтказилди. Бу эса, ўз ўрнида миллий қадриятларимизга жуда катта таҳдид сифатида барчани хавотирга солди. Ушбу фаолият Республикамиз жиноят кодекси билан таъкидланган бўлсада, ҳар томондан таҳдиднинг кучайиши Конституцияда келтирилган никоҳ принципида таҳдидидаги моддага янада аниқ-

уларнинг асарларида илгари сурилган хуқуқий ғоялардир. Хусусан, Миллий давлатчилигимизнинг 14 асрлик манбаи бўлган ислом хуқуқи нормаларида ҳам бу ҳолат худди шундай баён этилган. Хусусан, юртимиздан етишиб чиқсан буюк факих Фахруддин Ўзғандий “Фатавои Қозихон” асарида ҳам никоҳ масаласига алоҳида тўхталиб, уни таърифлашда эркак ва аёл сўзларига алоҳида ургу бериб, унинг ихтиёрийлик, розилик принципи асосида бўлишини таъкидлаган.

Таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида республикамиз бўйлаб 8 та Мехрибонлик уйлари ўз фаолиятини якунлаб, бир қанча болалар оилалар қарамоғига топширилди.

Шунингдек, азалдан халқимиз учун хос бўлган миллатлараро тутувлик, динлараро бағрикенглик, ўзаро ёрдам, ёши улуғларни эъзозлаш, ногиронларга ва имконияти чекланганларга ғамхўрлик қилиш устозлар ва илм аҳлини хурмат қилиш, қўни-қўшилар ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш каби миллий қадриятларимиз ўз аксини топса, нур устига аъло нур бўлар эди.

**Нилуфар МАНСУРОВА,  
Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси  
Миллий Маркази таянч докторанти**





Мен ҳам айни дамда туйгуларимни, ўй-хаёлларимни ўз эркига кўйиб, табиатнинг гўзал манзара сига бокаман. Шу лаҳзада олам ва одам ҳакида ўйга толаман. Аллоҳ таоло ўн саккиз минг оламни яратиб, янада мунавар бўлиши учун ахли одамзодни яратмиш. Инсонларни бошқа мавжудотлардан онгли этиб, унинг вужудига саховат, ҳиммат, меҳр-мурувват каби юксак фазилатларни жо айлабди. Инсонийлик туйгулари ҳакида ўйласам, ҳазрат Алишер Навоий ижоди ёдимга тушади. Негадир инжик руҳим Навоий ижод чашмасидан сув ичмоқни қўмсамоқда ва мени китоб жавоним сари чорламоқда. Саф тизиз турган сара дурдоналар орасидан “Маҳбуб ул-кулуб” асанини кўлимга оламан.

*Ҳиммат аҳлидин оламда*

*юз минг футух.*

Ҳа, бу мисралар орқали нечоғлик олий фазилатлар бўлмиш ҳиммат ва саховатнинг фойдаси акс етирилган. Айтиш жоизки, саховат

## САХОВАТ ВА КЎМАК – ЭЗГУЛИКЛАР ДЕБОЧАСИ

инсондан мурувват, кучли иродава меҳрни талаб етади. Лекин саховатга муҳтоҷ бўлмаган кишиларга ёрдам кўлини чўзиш сахийлик эмас, бу гўёки қорни тўқ инсонга яна таом бермоқлик кабидир. Истроф қилиш ҳам саховатдан емас, балки баҳиллик ерур. Навоийнинг “Хайрат ул-аброр” достонида ҳам карам ва саховат шундай таърифланади:

*Бухл эрур борча сифатдин хасис,  
Лек сахо жавоҳари асрну нафис.*

Киши саховатга кўз тикишдан кўра ўз баракали ризқи билан кун кечиришни Навоий саховатдан ҳам улуғ ҳиммат деб билади. Митти чумолилар ҳам тиним билмай меҳнат килади, бошқаларнинг ёрдамига қарамайди. Инсонлар ҳам ҳалол нон топиб, муҳтоҷларга ҳалол луқмасини улашса, хайр-у саховат қилган бўлади.

Навоий асарларини кўздан кечириб, варақлар эканман, кўйидаги мисралар еътиборимни тортади:

*Кўнгил ҳиммат аҳлигаким  
бўлди кенг,  
Гино бирла факр ўлди  
оллинда тенг.*

Дарҳақиқат, шоир ҳиммат-у саховатни кўнгил безаги дея ҳисоблайди ва уни чинакам инсонда бўлиши лозим бўлган енг асосий сифатлардан бири деб билади. Ҳимматли инсонни ориф, узоқни кўра билувчи киши сифатида тасвирлаб, бундай фазилатга эга бўлмаганларни зоҳирбин, моҳиятдан бехабарлар эканини қаламга олади.

Ўзбек халқига хос фазилатлар ҳакида сўз кетганда, албатта, саховат ва кўмак тушунчалари тилга олиниди. Диёримизнинг ҳар гўшасида олиб борилаётган “Саховат ва кў-

мак” умумхалқ ҳаракати, ёрдамга муҳтоҷларга қилинаётган кўмак ҳам хайрли ишлар дебочаси бўлиб хизмат қилмоқда. Айни кунларда юртимизда Рамазон ойи хукмон бир пайтдан китобдаги маънолар оламига гарк бўламан...

Саховат одамига бадандур, химмат руҳида хайрли ишлар қилиш ҳам саховат белгисидир. Рўзадор инсонга таом тайёрлаб бериш, кимнингдир оғирини йенгил қилиш, ҳатто бир оғиз ширин сўз айтиш ҳам карамдир. Саховат шундайин мевали дарахтдирки, унинг мевасидан тотлироқ неъмат йўқ. Кўли очиқ инсон ана шу дарахт мевасидан баҳраманд бўлади, яъни қилган яхшилиги, албатта, ўзига қайтади. Бундай юксак фазилатга ега бўлиш учун инсонийлик тарануми бўлган Навоий асарларини мутолаа қилиш керак. Сабаби шуки, шоирнинг саховат ҳомийси сифатида қилган амаллари, яъни ҳаммом, шифохона, кутубхоналар бунёд етгани, ёзиб қолдирган дурданаларнинг ҳар сахифасида олам қадар маъно-мазмун мужассам ва улар комил инсон тарбияси-чун асос бўлиб хизмат қилади. Шу каби хислар оғушида қўлимдаги нодирликларни китоб жавонимга елтиб қўяман ва атрофга бокаман. Орамизда саховатли ва ҳимматли кишиларнинг борлиги учун шукронга айтаман!

**Ирода БАҲРОНОВА,**  
**Навоий давлат педагогика**  
**институти талабаси**

### Жамоатчилик назорати

кузатиб бориши, болани қизиқарли ва фойдали ишларга жалб етиш йўлларини излаш даркор.

Бугун мана шундай ёшлар тақдирига бефарқ бўлмаган ҳолда, тунги рейд тадбирлари ўтказилмоқда. Ушбу жараёнларда қўлга тушаётган ёшларнинг кўп қисмини мактаб ўқувчилари ташкил этади. Кўп нарса интернет клуб маъмурларига ҳам боғлиқ. Чунки улар интернетдан фойдаланиш имконини яратиш билан бирга зарур пайтда тармоқ билан “муомала қилиш” маданияти, кўнікмасини шакллантиради. Тақиқланган сайларга кириш, ўйин вақтида сўқинишларни қўллаш маъмурият томонидан қатъий ман қилиниши, қоидаларни бузган фойдаланувчилар учун маълум миқдорда жарима белгиланиши зарур. Клублардаги бемаъни ва фойдасиз ўйинлар ўрнига ақлни чархлайдиган, билимни оширадиган, тафаккурга ундейдиган интеллестуал ўйинлар сонини кўпайтириш керак. Факат шундагина ўйин орқали маънавий хордик чиқариш, фикрлаш қобилиятини ўстириш имконияти туғилади. Масалан, тилга оид ўйинлардан бири – Талк Know дунёдаги асосий 15 та тилни қамраб олади.

Замонавий бугуннинг ёшлари ҳакида гапирилганда, кўз олдимида улкан ютуқларга еришаётган, билим-салоҳияти етук ёш гавдаланиши зарур. Ҳали ҳам ухлаётган кўзларни очишимиз, ёшларни уйғотишимиш, уларни ўз йўлига тушишларида ёрдам беришимиз керак. Ана шунда ўзимиз орзу қилган давлатни ёшлар билан бирга кура оламиз!

**Дилдора УСАРОВА,**  
**Тошкент давлат юридик университети**  
**ўқитувчиси**

**Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал**

**ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша**

**давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган еътибор даражасига**

**боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор**

**йўналишларидан бири ҳисобланади.**

## МУДРОҚ КЎЗЛАР


Мамлакатда ёшларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустаҳкам хукуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллашиб бормоқда. Ҳусусан, бугунгача парламент томонидан ёшларга оид 40 дан зиёд қонун хужжатлари қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ хақларо хукуқий хужжатлар ратификация қилинган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан айни даврда инсоният тарихидаги энг кўп ёшлар қатлами билан яшаётганимизни инобатга олган ҳолда БМТ минбарида Ёшлар хукуклари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиш таклифи илгари сурилгани ҳам халқаро ҳамжамият томонидан илиқ қаршиланди. Ўзбекистон раҳбари бунга асос қилиб, бугун дунё миқёсида ёшларнинг сони икки миллиарддан ортиб кетгани, хақларо терроризм ва экстремизм шиддат билан ўсиб бораётган бир пайтда ёшларга химоя зарурлигини мухим омиллар сифатида асослаб берди.

Бугун ёшлар орасидан идеалларни, ёш қаҳрамонларни топиш қийин эмас. Улар турли касб

егалари. Бунинг учун уларни кузатиш, инсон сифатида қараш, ютуқларига ҳавас қила билиш керак, ҳолос. Минг афсуски танганинг иккинчи томони бўлгани каби ёшлар орасида ҳам бундай шароитларга, берилаётган эътиборларга бепарво бўлган, ҳали уйғонмаган ёшлар ҳам бор. Айниқса мактаб ўқувчилари орасида бундай ёшлар кўпайиб бориши ҳавотирга солади кишини. Бугун бу имкониятдан фойдалана олмаган ёшларнинг эртанги тақдири қандай бўлади?

Айни таълим оладиган, илм йўлида изланиши олиб борадиган даврини қандайдир интернет клубларда кераксиз ўйинлар билан ўтказаётган ёшлар ўз йўлини топа олармикин? Биринчи навбатда, ота-она ўз масъулиятини ҳис эта билиши, фарзандининг кундаклик машғулотларидан хабардор бўлиши лозим. Отан-она боланинг интернетда қанча вақт “ўтириш” ва мана шу вақт мобайнида нималар билан шуғулланишини назорат қилиши яхши самара беради. Қолаверса, мактаб, маҳалла, синф раҳбари ва ўқитувчилар, ота-оналар ўсмир хулқи ва ундаги ўзгаришларни



Сўнгги йилларда  
муҳтарам Президентимиз  
томонидан таълимга,  
хусусан, мактаб таълимини  
ривожлантиришга алоҳида  
эътибор қаратилмоқда. Бу  
борада йил бошидан бўён  
қабул қилинган Фармон  
ва қарорлар билан соҳани  
ривожлантиришнинг  
устувор йўналишлари  
белгиланиб, 2022-2026  
йилларга мўлжалланган  
Миллий дастур қабул  
қилинди.

Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренесанс пойдеворини қуриш йўлидаги стратегик мақсадларимизга эришиш ҳам айнан таълимга эътибор, таълими ривожлантириш ва ўкувчи ёшларга замонавий шароитларни яратиш ва сифатли таълим бериш орқали бўлишини куни кеча ўтказилган энг улуғ, энг азиз байрамда ҳам алоҳида таъкидлаб, келгуси тараққиёт босқичимиз учун белгиланган 5 та устувор йўналишнинг энг биринчиси айнан таълим соҳаси эканлиги қайд этилди.

Барчангизга маълум, янги ўкув йили бошланди. Шу муносабат билан ўтказилган мустақиллик дарсларида турли даражадаги раҳбарлар, сенаторлар, де-путатлар, тадбиркорлар ва жамоатчиликнинг фаол вакиллари, собиқ битирувчиларимизнинг иштирок этишлари юртимизда яхши анъанага айланган. Вилоят ҳокимининг топшириқлари га мувофиқ бу йилги тадбирларга ҳам вилоятнинг энг чекка худудларида мактабларга вилоят, туман ва шаҳар сектор раҳбарлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари бириктирилиб, улар иштирокида тадбирларни юқори савијада ўтказилди.

Янги ўкув йилида вилоятимизда 885 та умумтаълим мактабларига 503 617 нафар, шундан, биринчи синflарга 55 928 нафар юртимизнинг баҳтиёр ўкувчи-ёшлари таълим олиш учун келишиди. Биринчи синф ўкувчиларининг барчаларига Президент совғалари тў-

## ШАХСИЙ ИБРАТ – ЧИННАКАМ САБОҚ

лиқ жойларга етказилди.

Жорий йилда вилоятда барча дастурлар хисобидан жами 91 та мактабда қурилиш-реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шундан, Инвестиция дастури асосида 36 та мактаб ва 17 та филиаллар, “Обод қишлоқ ва “Обод маҳалла” дастури доирасида 17 та мактаблар тўлиқ таъмирдан чиқарилмоқда. Шу жумладан, 5 та янги мактаб, 22 та янги спорт заллари қуриб, фойдаланишга топширилди.

Аҳамиятлиси, жорий йилда илк бор юқоридаги дастурларга кўшимча равишда вилоят ҳокимининг ташабbusи билан энг таъмирталаб, хом ғиштдан қурилган ва икки коэффициентдан ортиқ ҳолда фаолият олиб бораётган 21 та мактаблар танлаб олиниб, уларни таъмирлаш, янги ўкув биноларини қуриш учун маҳаллий бюджет хисобидан 70 млрд сўм маблағ ажратилди.

Юртбошимизнинг ташабbusлари билан бугун жамиятимизда мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқиши, умуммиллий мақсадга айланиб улгурди. Ҳар биримиз бир вақтлар катта – катта орзу мақсадлар ва қалблардаги лиммо-лим орзулар билан мактаб остонасига қадам кўйганмиз. Мактаб, ўкувчилик даври билан боғлиқ жуда кўп totli хотиралар, кечинмаларимиз мавжуд. Бугун мактабларга қа-

дам босган ўқувчи-ёшлар, фарзандларингиз, ука ва сингилларимиз ҳам ана шундай фараҳбахш туйғулар билан янги ўкув йилини бошлишди. Сизларнинг уларга билдирган эзгу тилакларингиз, ўз ҳаётий тажрибангиз билан ўртоқлашиб, уларга берадиган мотивациянгиз, шубҳасиз ёшларга жуда катта куч, илҳом, шижаот ва юрт тараққиётига дахлдорлик туйғуларини тарбиялади.

Шундай экан, биз халқ таълими соҳаси вакиллари, сиз азиз мактабимиз битирувчиларидан ўзларингиз таҳсил олган, бугунги ютуқ ва муваффакиятларингизга эришишда озми-кўп хисса кўшган қадрон мактабларингизга ташриф буюриб, биринчи қўнгироқ тадбирларида иштирок этганингиздан миннатдормиз. Зоро, энг таъсирли сабоқ бу шахсий ибратdir. Устозлар ва ўқувчиларга янада кўпроқ куч, янги рух ва юқори кайфият улашиб, жонажон ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун фидойи бўлган, билимли, ватанпарвар ва юртга садоқатли ёшларни, эртанги кун эгаларини тарбиялаш ишига муносаб ҳисса кўшаётганингиз учун ташаккур. Зоро, таълим бу барчамизнинг шарафли вазифамиздир!

Азамат КАМОЛОВ,  
Тошкент вилояти халқ таълими  
бошқармаси бошлиғи



ЭЪЛОН\*\*\* ЭЪЛОН\*\*\* ЭЪЛОН\*\*\* ЭЪЛОН\*\*\* ЭЪЛОН

Фуқаро Фаниев Бобуржон Шукурбек ўғли номига Тошкент Давлат Шарқшунослик институти қошидаги Хорижий тиллар академик лицеи томонидан 26.06.2010 да берилган N 098736 рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Муассислар:

Ўзбекистон  
Республикаси  
Экология ва  
атроф-муҳитни  
муҳофаза қилиш  
давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва  
ишбилиармонлар  
ҳаракати —  
Ўзбекистон  
Либерал-демократик  
партияси.

Ўзбекистон  
Нодавлат нотижорат  
ташкилотлари миллый  
ассоциацияси.

Ўзбекистон  
Савдо-саноат  
палатаси.

Бошмуҳаррир  
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг  
компьютер бўлимида  
саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-908  
Адади: 2050.  
Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табоқ.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон  
матбуот ва аҳборот  
агентлигига  
2006 йил 0010-ракам билан  
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:  
Дилбар МАҲМУДОВА

Газетанинг полиграфик жиҳатдан  
сифатли чоп этилишига “Шарқ”  
нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилик кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
(71) 233-72-77,  
233-91-55  
Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiyat@mail.uz  
Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти:  
20:00  
1 2 3 4 5 6



Атоқли навоийшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Сулаймонов улуғ авар шоир Rasul Xамзатов билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон адабиёт музейи остонасида (1975 й.)

Хар гал Чирчиқ томонга ўтсам, Догистоннинг улуғ авар шоири Rasul Xамзатовнинг иккинчи жаҳон уруши қурбонларига бағишлиб ёзган “Турналар” кўшиғига атаб, 50 йил аввал қад кўтарган ёдгорликка таъзим қилиб ўтаман... Ўзбекистонда ушбу ёдгорлик ўрнатилгандан кейин, маънавияти юксак 180 та мамлакатда ҳам шундай ёдгорликлар ўрнатилган. Бундай ёдгорликлар барчани огохликка чақиради, урушга лаънат ўқиди ва тинчлик учун доим курашишга даъват этади... Юртбошимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев яқинда умра коидаларини бажарар экан, Маккаю Мукаррама ва Мадинаю Мунавварага қилган зиёратларидан ҳам биринчи навбатда ҳалқимиз учун сўраганлари тинчлик-омонлик бўлди...

Куни кечада Шанҳай ҳамкорлик ташкилоти аъзоси бўлган барча

давлатлар мудофаа вазирлари - саркардалар Тошкентдаги иккинчи жаҳон уруши қурбонлари, шу жумладан ўзбекистонлик шахидларга атаб яратилган ёдгорлик пойига чуқур эҳтиром билан гул қўйдилар. Бу ҳалқимизга бўлган катта эҳтиром намунасидир, ҳалқимизнинг улуғ ғалабага кўшган улкан ҳиссасининг эътирофидир...

Чирчиқдаги ёдгорлик ҳам барчани огохликка даъват этиб турди. Rasul Xамзатовнинг “Турналар” кўшиғи эса юракларни ларзага солади:

*Хаёлимга келади гоҳо:  
Жангда ўлган  
аскарлар тупроқ  
Қатларига  
сингмаган асло,  
Турналарга  
айланган – оппоқ...*

*Кун келади, турналар билан  
Туманларда сузарман мен ҳам.  
Осмонларда қўшлардай нолон  
Чақираман дўстларни у дам...*

Расул Xамзатовнинг шеърлари ўзбек ҳалқининг қалбидан чуқур ўрин олган. Ўзбек ҳалқининг ардоқли ҳофизи Шерали Жўраев Rasul Xамзатовнинг шеърига куй басталаб қўшиқ айтганда неча марта “дўст, дўст” деган хайқириқни эшитганман:

*Булбуллар ичинда тинмас  
забонман,  
Ҳамон ёнингдаман, танангда  
жонман.  
Агар ошигларинг ўн мингта  
бўлса  
Билгилки аларнинг сардори  
менман...*

Расул Xамзатов нафақат улуғ шоир, балки машхур “Менинг Догистоним” асарини ҳам муаллифидир. Бу асар таниқли ёзувчи Асрор Мўмин таржимасида ўзбек адабиётининг дурдонасига айланиб қолди. Унда Ватан туйғуси, дўстлик-биродарлик, миллат равнақи, тил маданияти, урф-одатлар давомийлиги ҳакида кўплар учун сабоқ бўладиган

хикматлар ўрин олган.

Ўз вақтида Rasul Xамзатов Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон адабиёт музейида бўлиб, музейда қилинган ишларни кўриб, ўзбек ҳалқига, унинг шоир ва ёзувчилари, алломаларига нисбатан ҳайратини яширмай, тасанно айтган эди.

Таниқли шоир Рамз Бобожон билан келган меҳмонни кузатгандан кейин, ниҳоятда мамнун бўлган домла Ҳамид Сулаймон бундай дедилар: Шароф Рашидович бизга доим “Ўзбекистонга келган ҳар бир меҳмон республикамиз, меҳнаткаш, ижодкор, бунёдкор ҳалқимизнинг обрўсини оширадиган Ўзбекистон тарғиботчиси, ташвиқотчисига айланиб кетиши керак”, - деб айтадилар. Мана Rasul Xамзатов ҳам, бутун жаҳонга юртимизни обрўсини ёяди”...

Бу йил 8 сентябрь куни Rasul Xамзатов таваллуд топганига 99 йил тўлади, янаги йил эса, улуғ шоирнинг 100 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан бир фикр келди: Rasul Xамзатовнинг кўшиғига ёдгорлик ўрнатилган. Унинг 100 йиллигига багишлаб, Чирчиқда шу улуғ шоирнинг бости ўрнатилса, кўчалардан бирига унинг номи қўйилса, яхши бўлар эди.

Ўйлаймизки, бу ҳалқларимизнинг дўстлигини мустаҳкамлашга, адабий алоқаларимиз янада ривожланишига, Янги Ўзбекистонни қуришга муносаб ҳисса бўлиб кўшилар эди.

*(Сурат домла Ҳамид Сулаймоннинг оиласи архивидан олинган.)*

**Носир ТОИРОВ,**  
меҳнат фаҳрийси,  
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси

